

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



Рўйхатга олинди: № БД-5120300-2.06
2020 йил 29 август

**РАҚАМЛИ ТАРИХ
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 120000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши: 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича)

Тошкент - 2020

Фан/модуль коди RATB204	Ўқув йили 2021-2022	Семестр 3	ECTS - Кредитлар 4	
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек, рус		Ҳафтадаги дарс соатлари 4	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулотлари (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Рақамли тарих	60	60	120
2.	<p align="center">I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад – Талабаларни рақамли тарих фанининг мақсади ва вазифалари, унга дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ёндашувлар, самарали лойиҳалар билан таништириш.</p> <p>Фаннинг вазифаси – Талабаларга тарихий жараёнларни англашда рақамли технологияларининг ўрни, фан масалаларини ечишда замонавий ёндашувлар, тарихий воқеликларни, фактларни ўрганишда, тарихий тадқиқотда электрон манбаларнинг ҳамда интернетнинг илмий ва амалий аҳамиятини ҳамда фан доирасидаги замонавий лойиҳалар каби масалалар аҳамиятини тушунтиришдан иборат.</p> <p align="center">II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)</p> <p align="center">II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:</p> <p>1-мавзу. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари</p> <p>Фаннинг тарихий тадқиқотлар тизимида тутган ўрни. Фаннинг мақсади, вазифалари. Тарих таълимида ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти. Фаннинг услубий, илмий-назарий асослари. Фанга оид тамойил ва янгича ёндашувлар. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.</p> <p>2-мавзу. Рақамли тарих фанининг шаклланиши ва тараққиёти</p> <p>“Digital History” (Рақамли Тарих) тушунчаси. “Тарихий информатика” йўналиши. Digital History тадқиқот доираси, ривожланиш тарихи. Мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотлар. Хориж тажрибаси.</p> <p>3-мавзу. Тарих фанида ахборот технологияларининг қўлланилиши</p> <p>Тарих фанида ахборот технологиялари фани тараққиёти. Тарих ва информатика. Тарихий тадқиқотларда ахборот технологияларидан фойдаланиш тажрибаси. Фанда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг замонавий босқичи ҳамда ривожланиш тенденциялари.</p>			

4-мавзу. Электрон манбаларнинг тарихий тадқиқотлардаги аҳамияти

Маълумот ва маълумотлар модели. Маълумот турлари. Маълумотлар тузилиши. Матнли манбалар. Статистик манбалар. Картографик манбалар. Тасвирий манбалар. Электрон хужжат тушунчаси. “Компютер манбашунослиги”нинг вужудга келиши. Тарихий манбалар ва замонавий ахборот технологиялари.

5-мавзу. Тарихий тадқиқотларда электрон матннинг ўрни

Электрон матн концепцияси. Электрон матн ахборот манбаси сифатида. Электрон матнга бўлган талаб. Электрон хужжат айланмаси. “Қоғозсиз технологиялар”.

Тарихий матнларни сканерлаш ва оптик қурилмалар орқали электрон шаклга ўгириш: қўлёзма ва тошбосма матнларни электрон шаклга ўгиришда дастурларнинг имкониятлари ва камчиликлари. Тарихий манбаларни электрон шаклга ўгириш тажрибалари.

6-мавзу. Тарих таълимида электрон тақдимот аҳамияти

Тақдимот тайёрлаш тизими (Power Point). Электрон тақдимот: умумий тушунча, тузилиши. Тақдимот тайёрлашнинг асосий босқичлари. Тақдимот тайёрлаш дастурлари. Тарихий жараёнларни англаш ҳамда ўқитишда электрон тақдимотларнинг ўрни ва аҳамияти.

7-мавзу. Интернет ва унинг тарихчи учун имкониятлари

Интернет вужудга келиши ва шаклланиши. Интернетнинг ахборот ресурси сифатидаги камчиликлари ва чегараланганлиги.

Интернет маълумотларидан илмий тадқиқотда фойдаланиш муаммолари. Интернет маълумотларининг библиографик тавсифи. Тарихчи мутахассислар учун интернет ахборот ресурслари. Илмий тадқиқот натижаларини интернет орқали эълон қилиш.

8-мавзу. Тарихий тадқиқотда қидирув тизимларидан фойдаланиш

Глобал тармоқ имкониятлари. Кутубхона каталоглари билан ишлаш. Электрон почта. Web-сайт. Гиперматн. Қидирув тизимлари. Google, Yandex, Rambler, Yahoo. Қидирув сўровлари тузилиши. Интернетда самарали қидирув муаммолари. Электрон маълумотлар тизими. Электрон луғатлар, таржимонлар ва энциклопедиялар, уларнинг тарихчи учун аҳамиятли жиҳатлари.

9-мавзу. Электрон кутубхоналар ва архивлар билан ишлаш

Тарих соҳасига оид электрон китобларнинг тарихий билимларни эгаллашдаги роли. Электрон кутубхона тушунчаси. Электрон кутубхона аҳамияти. Тарихий тадқиқотларда электрон кутубхона материалларидан

фойдаланиш. Электрон архивлар ва уларда фойдаланиш афзалликлари.

10-мавзу. Тарихий тадқиқотларда географик ахборот тизимларининг ўрни.

Географик ахборот тизимлари. Хариталар турлари: географик, сиёсий, тематик, тарихий-маданий ёдгорликлар хариталари. Географик ахборот тизимлари дастурлари. Тарихий тадқиқотларда компьютер картографияси.

11-мавзу. Google Earth дастури ва унинг аҳамияти.

Google Earth дастури ҳақида умумий маълумот. Google Earth дастуридан фойдаланиш ва унинг аҳамияти. Тарихий-маданий ёдгорликларининг аэрокосмофотосуратларни тушириш.

12-мавзу. Тарихий жараёнларни моделлаштириш ва қайта тиклаш.

Тарихий жараёнларни моделлаштириш ва қайта тиклаш тушунчалари. Моделлаштириш ва қайта тиклаш асослари. Тарихий жараёнларни моделлаштириш ва қайта тиклаш методлари ва усуллари.

13-мавзу. 3D моделлаштиришнинг тарихий тадқиқотларда қўлланилиши

Тарихий тадқиқотларда 3D моделлаштириш масаласи: шаклланиши ва ривожланиши. Тарихий тадқиқотларда 3D моделлаштириш технологиясининг аҳамияти. 3D моделлаштириш технологияси дастурлари ҳақида маълумот.

14-мавзу. Виртуал музейлар ва уларнинг аҳамияти

Виртуал музей тушунчаси. Виртуал музейлар шаклланиши. Виртуал музей афзалликлари. Тарихни ўрганишда виртуал музейларнинг ўрни. Виртуал музей экспонатлари.

15-мавзу. Масофавий таълим ва унинг аҳамияти

Масофавий таълим тушунчаси. Масофавий таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Имкониятлари ва афзалликлари. Анъанавий ва масофавий таълим. Масофавий таълимда ахборот технологияларининг ўрни.

III. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларида талабалар Тарих фанида инновациялар: технологиялар, моделлар ва методлар фанидан маъруза дарсларида олган назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, семинарлар мавзулари бўйича тайёргарлик кўриш жараёнида қўшимча адабиётлар ва тарихий манбалар билан танишиш орқали қўшимча билим ва хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Натижада, уларнинг билим доиралари илмий жиҳатдан асосланган ҳолда кенгайди.

“Рақамли тарих” фани бўйича семинар машғулотларининг тавсия этиладиган мавзулари:

1. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари
2. Рақамли тарих фанининг шаклланиши ва тараққиёти
3. Тарих фанида ахборот технологияларининг қўлланилиши
4. Электрон манбаларнинг тарихий тадқиқотлардаги аҳамияти
5. Тарихий тадқиқотларда электрон матннинг ўрни
6. Тарих таълимида электрон тақдимот аҳамияти
7. Интернет ва унинг тарихчи учун имкониятлари
8. Тарихий тадқиқотда қидирув тизимларидан фойдаланиш
9. Электрон кутубхоналар ва архивлар билан ишлаш
10. Тарихий тадқиқотларда географик ахборот тизимларининг ўрни.
11. Google Earth дастури ва унинг аҳамияти
12. Тарихий жараёнларни моделлаштириш ва қайта тиклаш.
13. 3D моделлаштиришнинг тарихий тадқиқотларда қўлланилиши
14. Виртуал музейлар ва уларнинг аҳамияти
15. Масофавий таълим ва унинг аҳамияти

Изоҳ: Ишчи фан дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур семинар машғулот учун белгиланган соат ҳажмидан ташқари соатлар ҳажмига мос мавзулар танлаб белгиланади.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълимдан кўзланган мақсад ва вазифалар - бу талабаларда мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Мустақил таълим семинар машғулотларига тайёргарлик кўришдан ташқари фан дастурида кўрсатилмаган, аммо фан бўйича талабанинг билим доирасини кенгайтирувчи қўшимча мавзулар доирасида берилган топшириқларни бажаришни ўз ичига олади.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
2. “Тарих ва компьютер” ассоциацияси фаолияти билан танишиш.
3. Google Earth дастуридан фойдаланган ҳолда тарихий-маданий ёдгорликларни аниқлаш.
4. Ўзбекистон тарихи фани доирасида медиаэнциклопедия тузиш.
5. Ўзбекистон тарихининг турли даврларига оид электрон китоблар библиографиясини шакллантириш.
6. Тарихий обидаларни 3D моделлаштиришнинг аҳамияти.
7. Кичик виртуал музей лойиҳасини шакллантириш.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Изоҳ: Ишчи фан дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур машғулот турига ажратилган соат ҳажмига мос ишлар

	танлаб бажарилади.
3.	<p>V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)</p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тарих фани соҳасида инновациялар, рақамли технологияларининг тутган ўрни ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиши; • замонавий ахборот технологияларининг умумий имкониятларини, тарих соҳасида улардан фойдаланиш афзалликларини билиши керак; • ахборот технологиялари ёрдамида тарихий маълумотлар ва манбаларни қидириш, қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш; талаба электрон маълумотларни илмийлик, тарихийлик, холислик методлари асосида ўрганиш қўникмаларига эга бўлиши керак; • интернет имкониятларидан фойдаланиш, тарих таълими ва тарихий тадқиқотларда рақамли технологиялардан фойдалана олиш малакаларига эга бўлиши керак.
4.	<p>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маърузалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (мантиқий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • тақдимотларни қилиш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.
5.	<p>VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри ақс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.</p>
6.	<p>Асосий адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Информационные технологии для историков / Учебное пособие / Под ред. Л.И.Бородкина. – М. МГУ, 2006. 2. Boonstra O., Breure L., Doorn P. Past, Present and Future of Historical information Science. Netherlands Institute for Scientific Information. 2004. 3. Гарскова И.М. Историческая информатика: эволюция междисциплинарного направления. – СПб.: Алетейя, 2018. 4. Шадмонова С. Тарихий тадқиқотларнинг методологияси ва замонавий усуллари. –Тошкент. 2018. <p>Қўшимча адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом

	<p>эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2017.</p> <ol style="list-style-type: none"> 2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент.: Ўзбекистон. 2017. 3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент.: Ўзбекистон. 2017. 4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. Т.: «Ўзбекистон» 2016. 5. Алимова Д.А., Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. – Т. 2018. 6. Бородкин Л.И. Моделирование исторических процессов от реконструкции реальности к анализу альтернатив. – Спб.: Алетейя, 2016. 7. Информационный Бюллетень Ассоциации “История и компьютер”, 1990–2001. 8. Муслимов Н., Сайфуров Д., Усмонбоева М., Тўраев А. Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш. Тошкент. 2015. 9. Қосимов С.С. Ахборот технологиялари. Т., 2006. 10. Словарь историка. / Ред. Г. Дюфо, Э. Мазюрель. М., 2006. 11. Тоғаев Ж.Э. Тарих соҳасида 3D моделлаштириш масаласининг ўрганилиши (хорижий тадқиқотлар таҳлили асосида) // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. № 1/1. – Тошкент, 2018. – Б. 51-53. 12. Хроленко А. Т., Денисов А.Т. Современные информационные технологии для гуманитария. – М.: Флинта: Наука, 2012. <p style="text-align: center;">Ахборот манбаалари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. http://www.ziyounet.uz 2. http://www.edu.uz 3. http://www.google.uz 4. http://www.history.ru 5. http://www.archeologia.ru 6. http://www.archeo.ru 7. http://www.book.ru 8. http://www.iprbookshop.ru 9. http://ibooks.ru 10. http://www.biblio-online.ru
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2020 йил 29 августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.</p>

	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 452 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p>Фан/модуль учун масъуллар: З.Р. Ишанходжаева – ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси проф., т.ф.д. Ж.Э. Тоғаев – ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси</p>
9.	<p>Такризчилар: С.Б. Шодмонова – ЎзРФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д. Х.Э.Юнусова – ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси профессори, т.ф.д.</p>